

Лойихалаш ишларини бажариш учун

-сонли ШАРТНОМА

2022 й. «31» 10

448-6-89-ХТ/2022-сон

Чуст шаҳри

Чуст шаҳар «CHUSTLOYINA» МЧЖ раҳбари З.Домложонов келгусида «Бажарувчи» деб номланувчи бир томондан ва Чуст туман Халқ таълим бўлими мудир Ф.Эрназаров келгусида «Буюртмачи» деб номланувчи иккинчи томондан, мазкур Чуст туман Халқ таълим бўлимига қаршли 10 мактабни иситиш тизимини мукамал таъмирлаш ва янгисига алмаштириш лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш шартномасини тузиб имзоладилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 Бажарувчи — мазкур шартнома шартларига кура лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса бажарувчига лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун дастлабки маълумотларни такдим этиш ва тўлови молиялаштириш органи томонидан ажратилган маблағларни мазкур шартномага илова қилинган молиялаштириш графигида белгиланган муддатлардан кечикмаган ҳолда амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1 Шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан 19 500 000 (Ўн тўққиз миллион беш юз минг) сум 2022 йилга ажратилган маблағларга асосан молиялаштириб берилади.

2.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар эса бундан мустафо:

- Ишлар қайиматини кўпайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда:

- Ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.3 Тегишли асослари мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар буюртмачи ва бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

3. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Шартнома буйича бажарувчи мазкур шартноманинг II- бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада хажмда унинг I- иловасига кўра лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бириш учун сметада назарда тутилган муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда ишни буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш:

- ишларни бажариш давомида буюртмачи томонидан талаб килиб бориладиган маълумотлар ва шошилич (оператив) сўрокларни ўз вақтида такдим этиш:

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

3.2 Бажарувчи мазкур шартнома буйича барча ишларни уз кучи блан зарур тарзда бажарилиши учун буюртмачи олдида тулик хамда мулкий жавоб беради.

4. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 Мазкур шартномни бажариш учун буюртмачи:

- ишлар бажарилишини шартномада кайд этилган бажарувчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риюя этилишини назорат килиш, бажарувчидан тугатилган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш:

- бажарувчининг барча мувоожатларини 3 (уч) кун ичида кўриб чикиш ва карор кабул килиш:

- бажарувчига шартномага мувофик бунак (аванс) бериш ва ишларни бажарилишига караб жорий молиялаштиришни амалга ошириш:

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажаришни уз зиммасига олади

5. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАГЛАРИ

5.1 Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бунда шартнома шартларини кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар

5.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда бажарувчи ва буюртмачи ишларни давом эттириш ёки вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама киладилар

5.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг хар бири шартномани бекор килишни талаб килишга ҳақлидир:

6. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди:

- Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик Кодекси. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ва амалдаги бошка қонунчилик

ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган бошқа тартибда жавобгар бўлади.

7.ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1.Мазкур шартнома “Бажарувчи” ва “Буюртмачи” томонидан тасдиқланиб, Ҳазначилик бўлинимаси томонидан рўйхатга олингандан сўнг кучга кирази ва 2021 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8.ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

« БУЮРТМАЧИ »

Чуст туман Халқ таълим бўлими

Манзилгоҳ: Чуст ш Чароғон кўчаси 56-уй

Ш.х.в. 401722860142377092100075048

СТИР: 200111014 ОКОНХ:97600

Ўзбекистон Республикаси молия
вазирлиги Ҳазначилиги
Ҳазна х/в 23402000300100001010

Банк Тошкент ш МБББ ХККМ

МФО: 00014 И



Бошлик

Эрназаров



« БАЖАРУВЧИ »

"Chustloyiha" МЧЖ

Манзилгоҳ: Чуст шаҳри Чароғон кўча 57
уй

Ҳисоб рақами 2020 8000 8052 7914 1001

МФО 00715 Халқ банки АТБ Чуст
филиали.

ИНН: 307 730 946 ОКОНХ:

Бошлик

З.Домлоқонов



